Туман мўъвофақиятига муносиб улуш қилиб, ҳосилдорликни кўтаришга астойдил ҳаракат қилаётган бир қатор жамоа хужаликларининг зарбдорлари бутун хурсанд. А. Муминов номили, «Соҳибкор», Бобур номили жамоа хужаликлариди урим охиради. Ҳар гектар ердан 53,4-62 центнердан ҳосил олган «Зарбдор», «Бирлашган», «Гайрат, Муминов номили, Навоий номили, «Қириравот» хужаликларининг Муҳаммадхон Турсунов, Раҳимжон Соқиев, Жўраҳон Хайитмиров, Раҳимжон Незьматов, Пулатбой Қозоқов, Сайдулло Эргашев, Шоҳидхон Авазбекова, Мўхаммади Каримов, Шермамад Охунров, Мўхаммаджон Жўраевдек 61-78 центнерни пудратчилар фидокорона меҳнат қилидилар.

Бу йил Наврўз кунлари боддеҳқонлар қамийи удулларни эслаб, дон хирмон ва омборларга диқ туғайи леб тилак белдиришган. Бу ниятлар ижобатини бутун Уйчида қўриб туромиз. «Бирлашган» жамоа хужалигининг раиси Шаҳобиддин Раҳимовни Қирил Равот адирликлари билан туташ галлазорда учратдик. Ҳосил мўлудиган кайфияти чоғ. 325 гектар майдондан мўлжалдаги 56,4 ўрнига 58 центнердан дон кўтариляпти. Файзрахмон Мўйдилов, Раҳимжон Охунволар ихтириларга далалардан эса ҳар гектардан 61-68 центнердан дон олинди. Урим давом эталяпти.

Уйчида давлатга галла сотиш бўйича шартнома режаси бажарилганда кейин ҳам иш сурати пасайтирилмади. Далаларга комбайнлар, юк ташин техникалари тула қувватда ишлатилляпти. Мўлсал боддик ҳосилин тула-тўксис саранжомлаб олиш. Бўшаган майлонларга такрорий экинлар пешма-пеш хойлаштириляпти.

Кўркам, қулай

моноси муддатидан олдин қўриб битказилди. Иншоот қурилишида 46 мўлдон сўмлик қурилиш ва пайвандлаш ишлари амалга оширилди.

Кейинги тўққиз ой мобайнида уйчи ва қўшни майлони ҳам қўриб тилиниб, аэропорт худди обононлаштирилди. Бу даража аэропорт ва унинг тегирик-аэрофицаларининг саноат, маъшии меҳнат кўрсатиш муассасалари ва ошмоқлар қурилиши.

К. НИЗОМОВ, ЎЗА муҳбири.

Абдулло ҚОРАБОВЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири

(Боши 1-бетда).

Вилоят ҳокимлиги топшириғига кўра деҳқончиликсаноат уюшмаси, пахтачилик илмий-тадқиқот институти Андижон филиали мутахассислари шу йўналишдаги жаҳон фан-техникаси янгиликларини атрофлича ургандилар. Бир гуруҳ олимлар, пахтакорларнинг хитойлик деҳқонлар иши билан яқиндан танишиб қайтишгани қўл келди. Бу мамлакатда чигитни плёнка остига экин асосида ўсимлик ривожини, ҳосил пишиб етилишини тезлаштириш бора-сида катта тажриба тулланган.

Шу усулни Андижонда ҳам жорий этиш мақсадида хитойликлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди ва 1995 йили тажриба тариқасида юзлаб гектар ерга чигит плёнка остига экилди. Юпқа плёнкани ер устига ёйиб кетадиган ва бир йўла чигитни ерга қадайдиган такомиллашган саялка зарур бўлди. Мутахассислар Андижон механика корхонаси муҳандислари билан биргаликда ижодий фикр юритиб, ана шундай мосламани тайёрладилар. Янгилик барчаннинг эътиборида бўлди ва ўзига йўл очди. Плёнка остига чигит экиб гуза парварлиш қилиш олатидаги усулдан ўзининг қўнгина хусусиятлари билан ажралиб турлади. Биринчидан, олатидагу усулда тупроқ ҳарорати 12-14 даража бўлгандан кейингина чигит экилади. Плёнка устида эса бундай пайтни кутиб ўтиришга ҳолат йўқ. Чунки плёнка ерни қиздириб, чигит униб чиқадиган даражага етказлади. Иккинчидан, кучли ёмғир, сел, дўл ва бошқа табиий офатлар оқибатида ерининг қатқалоқ бўлиб қолишига чек қўйилади. Тупроқ доим майин ва юмшоқ ҳолатда бўлади. Ердан кўтаришган ҳовур плёнкага тегиб, яна пастга қайтади ва тупроқнинг мўътадил бўлиб туришини таъминлайди. Учинчидан, эгитлар устини бегона ўт қопламайди. Демак, кўп меҳнат талаб қиладиган кетмон чопиғига ҳолат қўлмайди. Тўртинчидан, тўксизландирилган чигит аниқ уялаб махусе саялкада экилган-диги туғайди янаганга эҳтиёб бўлмайди, урулик кўп микдорда тежаллади. Бешинчидан, юқоридаги қўнгина жараснлар тезлашганлиги туғайли ўсимликнинг ривожланиши, тулга кириши, қўсақ олиши ва етилиши олатидаги 20-25 кунга тезлашади. Энг асосийси ҳосилдорлик юқори бўлади. Масалан, ўтган йили тажриба тариқасида экилган майлонларнинг ҳар гектаридан 42,6 центнердан пахта олинди. Олтинқўл туманидаги «Коммуна» жамоа хужалигининг Сибсатон Абдуллаева бошлик бригадасида ҳосилдорлик 53 центнерни ташкил

этилди. Ҳосилдорликнинг юқори бўлиши, пахта-нинг қарийб бир ой илгари терилиши, кўп жараёнлардаги сарф-харажатларнинг камайиши плёнкага ва бошқа бир қатор ишларга сарфланган маблағларни қоплагина қолмай, катта иқтисодий самара беради. Шунинг учун ҳам Андижонда 1996 йили қарийб 10 минг гектар ерга чигит плёнка остига экилди.

Андижон вилоятининг чигитни плёнка остига экиб, пахта етиштириш юзасидан ўзлаштирган янги технологияси мамлакатимиз кент жамоатчилиги, мутахассислари, олимлар томонидан синчковлик билан қўзғатиб боришмоқда, таҳлил қилинаёпти.

Ўтган йили кузда мамлакатимизнинг турли вилоятларидан, хусусан, Хоразм, Бухоро ва Самарқанддан деҳқончилик-саноат уюшмаларининг мутахассислари Андижонга келишиб, илгор тажриба билан яқиндан танишандилар. Бошқа вилоятларда ҳам бу янгиликка қизиқиш тобора ошиб бори. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хужалик вазирилик қўлига бу долзарб масалани атрофлича урганиб чиқиб, уни республиканинг бошқа вилоятларида ҳам таъдиқ қилиш юзасидан қарор қабул қилди. Ушбу ҳужжатда янгиликни жорий этишининг барча жиҳатлари тула-тўксис қамраб олинган бўлиб, кент миқёсларда иш олиб бориш учун қўрилиши зарур бўлган чора-тадбирлар аниқ-равшан белгилаб олинди.

Хусусан, бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш, фан-техника нуқтаи назардан атрофлича асослаш учун илмий кенгаш таркиби тасдиқланди. унинг таркибига пахтачилик соҳасидаги етук олимлар, техника воситаларини ишлаб чиқаришга ва таъмирлашга дахлдор илораларнинг раҳбарлари, ташки иқтисодий алоқалар бўйича мутахассислар, тажрибани бевосита ишлаб чиқаришда синиб кўрган хужалик етакчилари ва бошқа соҳаларнинг вакиллари киритилди. Вазирилик ҳайати қарорига мувофиқ пахтачиликда Ан-

дижон услубини жорий этиш бўйича талбирлар мажмуи ҳам тасдиқланди. Унга кўра 1997 йили мамлакатимиз вилоятларида чигитни плёнка остига экин юзасидан ажратилгандай майлонлар, плёнкага, саялкаларга бериладиган буортмалар, тажрибани кент ва атрофлича тарғиб этиш йўл-йўриқлари аниқ-равшан белгилаб олинган. Ҳозирги пайтда ана шу қарорни рўйга чиқариш учун барча вилоятларда кент қўламадаги ишлар амалга оширилмоқда.

—Чигитни плёнка остига экиш технологиясининг барча муҳим хусусиятларини таъкидлаган ҳолда диққатга сазовар бир жиҳатини ўқитиб ўтишимиз зарур,— дейди Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хужалик вазирининг биринчи ўринбосари Мундир бекмуродов.

—Бу усулда пахтачининг пишиб етилиши олатидаги қарийб бир оғта қисқартирилади. Яъни етиштирилган ҳосилни сентябрь ойидеёқ сарномлаб олиш имконияти вужудга келади. Демак, оқтиб оғайда ерни бемадол шудгорлаб, галла ёки бошқа экинларни экишга шароит туғилади. Ҳосилдорликнинг туман, вилоятлар бўйича уртача камида 10 центнер оширилиши хужаликлар ларомалини кўпайтириш манбаларини Мамлакатимиз бўйича яқин йилларда пахта ҳосилдорлигини 5 центнер кўпайтириш, ёки уни 30-32 центнерга етказиш Президентимиз Ислом Абдулганиевич Каримов ва ҳукумат томонидан қишлоқ хужалигини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш борасидаги гамхўрликларига амалий жавоб бўлади. Ҳосилдорлик юқорида таъкидланган микдордан оширилса, республикамиз ишлар 200-250 минг гектар ерни чорва озуқаси ва бошқа экинларга бўшатиб бериш уун шароит яратилади.

1995 йили чигитни плёнка остига экиш усули асосан Андижон вилотида қўлланилган бўлса, бу йил Фаргона, Наманган, Хоразм, Самарқанд ва бошқа вилоятларда ҳам жорий этилди. Ана шу вилоятларда ҳам чигит плёнка остига экилган майлонларда гуза барваж ривожлантиб, гули қўсақка айланмоқда, қўсақлар тулишиб, бутун-эта очилди деб турибди. Келаси йили ва яқин келажакда мамлакатимиз пахтазорлариди қўсақнинг очилиши июлда бошланиб, август ойида бутун пайкаллар оппоқ момиққа бурканиб, сентябрь ойида ҳосил тула саранжомлаб олиниши реал воқеаликка айлиниши фақатгина тирмоқ ҳодимларининггина эмас, балки барча юртдошларимизнинг эзгу ниятидир.

Суннатилла САЙДАЛИЕВ, иқтисодий шарҳловчиси.

Маънавият олами

Миришкор дехқонлар соғлом ниҳол ўстириш ва мўл ҳосил этиштиришнинг ўзига хос тартиб-қоидалари маъжудлигини, уларни назар-писанд қилмаслик панд беришни жуда яхши билмайдилар. Узоқ умр кўриш борасида ҳам ана шундай тартиб-қоидалар борлигини биз кўпинча эсдан чиқариб қўямиз. Рўзгор ташвиши, кундалик югур-югур, иш, оиладаги муаммолар билан бўлиб саломатлигимизга жиддий хавф туғилмагунча уйлаб ҳам кўрмаймиз. Баъзилар эса шифокорлар жиддий оғоҳлантиришга қарамай, зарарли одаларини тарк этишмайди.

Шулар устиде бош қотирар эканмиз, ҳозир эришган 60-70 йиллик ўртача умр бизнинг саъий-ҳаракатимиз натижаси эмас, балки қисман шифокорлар, қисман ижтимоий-иқтисодий шарт-шароит маъсули эканлига имон келтиришнинг турган гап. Бошқача айтганда, узоқ умр муаммолари ҳали очилмаган қўриққи, айрим қисмларгина кўриш олдирасиде уни ўзлаштириш таррадуида юрибди, ҳоло.

УЗОҚ ЯШАШ КАФОЛАТИ

Шунинг учунки, узоқ умр кўришга имкон берувчи соғлом турмуш тартиб-қоидалардан иборат эканлиги ҳуусида жиддий бош қотирадиганлар ниҳоятда камдир. Эҳтимол, биз бутун еган хушхўр таомлар ўрнига қотган ном тановул қилишимиз ёки ҳафтаги бир кун-ярим кун оқ юришимиз саломатликка кўпроқ фойда келтириши, мумкинлиги ҳуусида уйлаб ҳам кўрмаймиз. Ҳоҳида тўх бўлсақ ҳам, ошана оғайинларчилик юзасидан тушлик қилгани йўл оламиз ва ҳоҳа-о.

Очиқ айтганда, ўз танамиз эҳтижларидан келиб чиқиб эмас, балки урф бўлган одалар бўйича яшашга ўрганиб қолганмиз. Тарки олат амри маҳол, деганларидек шифокорлар тавсияларини писанд қилмаслик натижасида қанча умрлар бевақт хазон бўлди! Турмуш тарзини тартибга солиш, ўз танаси эҳтижларидан келиб яшашга ўтиш, овқатланиш, иш, ҳордиқнинг мақбул йўллариға риоя қилиш қандай самара бериши мумкинлигиға соғлом турмуш тарзининг толмас тартибчоси Польш Бергт ҳаёти яққол мисолдир.

Ешлигида сил хасталиги билан оғриб навқирон паллада ҳаёт билан вилдолашиш арафасига келиб қолган Польш Бергт вақти-вақти билан оч юриш, овқатланишни тўғри йўлга қўйиш, жисмоний машқларни мунтазам бажариш ҳисобига саломатлигини тиклаб, ўша пайтлари (асримиз бошларида) давоси йўқ ҳисобланган хасталик чангалдан омон қолди. Кейинчалик ҳам ўзи кашф этган соғлом турмуш тарзига беқаму кўст амал қилгани учун утган сайин кексайиш ўрниға абжир йигитларға хо забардастликини қўлдан бермади.

Олис Американи қўйиб ўлкамиға қатайлик. 1990 йили Фала-банинг 45 йиллиги нишонланган кунлари бир гуруҳ соғлом турмуш тартиб-қоидалари Чирчиқдан Тошкентга югуриш ўтказишганди. Йигирма чақирим масофани муваффақиятли босиб ўтганлар ичида бир нафар уруш ногирони ҳам бўлиб, мусобақа тугатганидан сўнг у жисмоний машқларнинг иш саломатлигини мустаҳкамлашдаги аҳамияти тўғрисида нутқ сузлаган эди.

То шу кунгача унинг ҳикояси хотирамда михланиб қолган; — Оҳирги марта контузия бўлганидан кейин олти ой ҳарбий шифохонада даволандим. Жангоҳларда ўзимни аямий бир неча юксак нишонларға сазовор бўлганим учун энг моҳир, билим дон табиблар мена малҳам излашди. Лекин, афсус, жўяли на-

тижа чиқмади. Ўнг қўлим тирсаги яхши ишламас, ўнг оёғим ҳаракатсиз эди. Аслида буларни ҳолва десак ҳам бўларди. Чунки тўхтовсиз бош оғриги суюк-суюгимдан ўтиб кетарди. Аҳвол шу даражаға етдики, мен умуман бош оғригимдан халос бўлишни эмас, калдани қандай вазиятда тутсам, санчиқ пайсаиши тўғрисида бетиним уйлар эдим.

Шифокорлар мена бир умрга ногирон дея тўғхонча беришганди. Икки йил ўтмаёқ тўхтовсиз машқлар туфайли соғлимни тиклаб олдим. Ишга жоилашдим. Мана, қирқ йилдан ошдики, хасталик нималигини эсдан чиқарганман. Бутун ёшларға қўйилиб, Чирчиқдан Тошкентга югуриб келдим. Ҳаёт-ҳаракат лемақдир.

Қиш охирида каттиқ совуқ қайталагани барчамизнинг эсимизда. Метронинг Амир Темур бекатида ўша уруш ногиронини яна учратиб қолдим. Кўпчилик телпау пўстинларға ўраниб олган кунлари у энги калта тўр жемперда, бемалол чиқиб келарди. Қўлида эскириб қолган қизил портфель.

— Шамоллаб қолмайсими, бо-бой? — Эрталаб бир соат юрган одамға совуқ билинармиди, ўғлим?! Келгуси йили эрталабки югуришни бошлаганимда ярим аср бўлади. Ҳалигача бирор кунни ўтказиб юборганим йўқ. Кечқурун соат ўнда ётаман, эрталаб бешда турман у, қўчаға отиламан. Қор ёғадими, ёмғир бўладими, ушбу кун тартибига сўзсиз амал қиламан.

Бир неча кунгача ушбу учрашув хаблимдан кетмади. Қаранг, тақдир тақазосига кўра, асобларға мўбало бўлган одам соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш эвазида даррлардан фориг, бахтиёр кун кечириб келмоқда. Тор фикрлайдиган бошқа бирорлар эса табиат ато қилган мустаҳкам соғлигиға болта уриб умрини эрта хазон этиштириди. Ҳозир бу роғдилликка чек қўйиб, оқил яшашға, ўзимиз ва ўзларнинг умрини асрашға ўрганишимиз?

«Умрни асраш» деганда совуқ суваға қўл урмаслик, ортиқча зуриқиш, жон койитмасликини тушуммаслик жоиэ. Аксинча, аяган кўзға чўп тушар. Жисмоний ҳаракатдан ўзини четта олиб

қочган киши танаси инкиқлашиб, соғлиги заифлашиб бораверади. Худди шундай хушхўр таомларға ружу қўйган сайин нафе янада тансиқроқ овқатларни талаб қилаверади. Бу ҳолда биз иссиқ жон, вужудлигимиз шунчаки қўлига айланиб қоламиз, қилиқ ва одаларимиз доирасидан нари чиқишға журъат этмай қўямиз. Холбуки, муносиб умр кечирришға аҳд этган қимса вужудини, нафсини бошқариш, ўз қилиқ-одаларини тартибга солишға урганиши шарт. Бусиз узоқ яшаш тўғрисида гап-сўз бўлиши ҳам мумкин эмас.

Шуни унутмаслик мўҳимики, соғлом турмуш тартиб тартиб қондаларига ўтиш юзаси қарашдаги намушқул кўринади. Зеро, кўниммаган киши учун эрталаб соат беш ёки олтида уйғониб, бирор мулдаат кўчада югуриш, кейин жисмоний машқлар, ҳар қил муолажаларни бажариш ўз-ўзини қўйнашдек туюлади. Лекин бу тариха соғлигини мустаҳкамлаб, бардам яшашға одаланган инсон учун бу энг олий ҳаётмақдир. Шу боис бундай кун тартибини бас қилишнинг у хаблиға ҳам келтирмайди.

Оч юриш борасида ҳам шундай. Бундай ҳолатда кўниммаган қимса учун оч юриш бематни ва машаққатдек кўринади. Холбуки, Польш Бергт каби оч юриш танаси соғломлаштириш, доимий бардамликка эришишнинг мўҳим омилларидан бири эканлиға амалда ишонч ҳосил қилган одам учун бу узоқ ва бахтиёр турмуш кечирришнинг зарур шартларидандир.

Керакли тошинг оғриғини билинмас, деганларидек нимагаки зарурат, эҳтиёж сезсак, унинг машаққатларини писанд қилмай қўямиз. Бинобарин, асосий вазиға-ўзимизда узоқ умр кўриш тартиб-қоидаларига хоҳиш-истак уйғота билишларидир. Бунинг учун эса ўзимиз ўрганиб қолган турмуш тарзини, шахсий майл ва интилишларимиз, қилиқ ва одаларимизни мунтазам таҳдилдан ўтказиб боришға ўрганишимиз жоиз. Агар одалий қозик атрафида айланшда давом этиладиган бўлсақ, асло боши берк кўчгани тарк этилмаслигини турган гап.

Албатта, пировад-натижада ким қанча яшаш Тағри Таолонинг марҳаматига боғлиқ. Лекин парвардигори олам «сақлангани сақлайман» деган одаларки, ўзимизнинг зарарли одаларимиздан қўтулиб, шафват йўлини излаш ҳар бир бандани мўмин учун қарз ва фарзидир.

Табиийки, Яратганга шукроналар айтиб, имкони борича узоқроқ умр кўриш истиғаи ҳам бундан истисно эмас... Шермухаммад йўлдош ўғли.

спорт спорт спорт НУФУЗИ ОРТМОҚДА

1996 йили олимпиада йили бўлгани учун ҳам мухлислар ва мутахассисларнинг бутун диққат-эътибори ушбу спорт анжуманига қаратилган: ҳозир Атлантада ўтаётган баҳслар олдида тайёргарлик қандай бораётгани, ким қандай имкониятга эга эканлиги муҳокама қилинган бўлса, олимпиада ниҳоясига етгач, натижалар, эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар кўп таҳдилдан ўтказилиши турган гап.

Холбуки, олимпия ўйинлари дастуридан жой олишга улгурман, лекин тобора омаллашиб, нуфузи ортиб бораётган спорт турлари оз эмас. Таквандо ҳам ана шундай истиқболли спорт турларидан биридир. Айниқса, мамлакатимизда унинг чуқур илдиз отиб, Ўзбекистон вакиллари халқаро миқёсда юртимиз доврўтиға доврўқ қўшаётгани таҳсинға лойиқдир.

Яқинда Прага шаҳрида бўлиб ўтган ёшлар жаҳон чемпионатида ҳам республикамиз таэквандочилари олдин эришилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаб, ўлка миқёсда бу спорт турини келажакта порлоқ эканини яққол намойиш этишти. Тўғри, қирққа яқин мамлакатдан 300 дан кўпроқ таэквандочилар иштирок этган ушбу мусобақаларнинг бошланиши омадли кечди деб бўлмади. Қилар баҳсида икки вакилимиз рақибларига ютқанди қўйишти. Шу боис мусобақаларнинг учинчи куни Алла Ким бор куч ва маҳоратини ишға солишга тўғри келди. Натижада у бронза медалини қўлга киритишға муваффақ бўлди. Жамоа баҳси пайти бу ютуқдан илҳомланган қиларимизга яна омад қилиб боқди: улар пошпалыиқ тенгқуларни билан учинчи ўринни баҳам қўришти.

Ийгитларимиз эса Европа ва жаҳон миқёсда етакчилардан бўлган пошпалыиқ рақибларини доғда қолдиришға эришдилар. Ярим финалда эса таэквандонинг ижодкорларидан бири—КХДР жамоаси билан баҳслашиш жоиз эди. Шимоллий кореяликларнинг саҳнага чиқиши ҳамон томошабинларнинг нигоҳи беихтиёр уларға қаратилди. Баланд бўйли, қал-қомати кучта тўлган, ҳаракатлари далай ва аниқ, дастлабки қарашда шундай таассурот ўйғондики, гўё улардан ошириб бир нима қилиш қийин... Шунинг учун бўлса керак, рақибларимиз машқларни тугаллаши ҳамон зал гулдурос қарсақлар оғушида қолди.

Мана шундай муваффақиятдан кейин ишқибозлар ва ҳакамларнинг олқишиға эришишнинг ўзи бўладими? Бунинг учун янада кучлироқ ҳайрат ва завқ уйғотиш зарур эди. Команда Леонид Ли, Владимир Нам, Элмурод Нурохун, Моисей Ногай, Нуриддин Ахромхўжаев, Жамшид Халилов айна мана шундай имкони йўқдек вазиғларинг удаасидан чиқишти.

Вакилларимизнинг маҳорат бобида Шимоллий кореяликлардан устуликларига заррача шубҳа туғилмади бўлса ИТФ раҳбарияти ва ҳакамлар қўмитасида таъбири кучли бўлган рақибларимизға мағлубият ёзилиши ари маҳол эди. Чемпионат дастуридан ўрин олган бошқа машқларда ҳам ийгитларимиз ва қиларимиз Ўзбекистон таэквандочилари жаҳонда мустаҳкам мавқега эга эканликларини исботлашти. Натижада умум-жамоа ҳисобида фахрли учинчи ўрин қўлга киритилди, шахсий ҳисобда олти ва жамоа ҳисобида тўртта медал ва вакилларимиз кўксини беэди.

Юртимиз доврўгини янада оширган ийгитларимизни боя тилға олдиқ. Қилар жамоаси Алла ва Валентина Ким, Шаҳноза Шухратжонова, Замира Асроева, Феруза Султонгариева ҳамда Лада



Маҳорат, куч-қудрат, гузаллик намойиши.

Гавриловдан иборат эди. Кейинги вакиламиздан ташқари бу қиларнинг барчаси Урта Чирчиқ туманида истиқомат қилишди. Бу нарса шундан далолат бериб турибдики, қишлоқ жойларида ҳам фидойи инсонлар ва мутасадди ўртоқлар бир ёқдан бош чиқариб ҳаракат қилишса, нафақат республика, балки жаҳон миқёсда ҳам Ватанимиз спорт шарафини далай қўқайсиз қилишға, унинг доғини дунёға таратишға қолар спортчиларни тайёрлаш мумкин эди. Бунинг учун албатта, баҳона излаш, лоқайдликка чек қўйиб, спорт тадбирларини юзлаб ва минглаб кишилар учун мароқти машғулотларға айлантиришға эришиш керак. Бу жаҳонға юз тўтаётган юртимизнинг обрўсига обрў қўшаи.

Халқаро таэквандо федерацияси (ИТФ) президенти, генерал Чой Хон Хи вакилларимизнинг Прагағаги муваффақиятини шарҳлаб айтган сўзлари ҳам шундан яққол далолат беради:

—Федерациямизға жаҳоннинг юздан кўпроқ давлати спорт ташқилотларига аъзо бўлса ҳам, мен икки марта таширф буюрган мамлакатлар жуда камдир. Ўзбекистонға эса мен бешми-олти марта борганман. Менинг ёшим бир жойға бориб қолган, ҳаётда кўп нарсанинг гувоҳи бўлганман. Лекин ўзбекистонлик таэквандочиларнинг шиддатли тарзда камол топаётгани мени ҳайратта солади. Бу ёш—улғайиш жараёни асос қўйган Владимир Лигай ва республика таэквандочиларига ҳозир мураббийлик қилаётган Эдуард Ли, ушма етакчилари Фуракт Халилов ҳамда маслакдошларига офарин дегим келад!

Ўз навбатида биз ҳам таэквандочиларимиз халқаро аренаға чиқишларига истиқбол кенг йўл очиб берганини таъкидлашдан ўтмаймиз. Айнан мустақиллик шарофати ила вакилларимиз спортнинг барча турларида қилға ва жаҳон мусобақаларида ўз қиларини синаяб кўриш имкониятиға эга бўлишди.

Прагағаги биринчиликка таэквандочиларимиз қатнашишда эса миллий таэквандо уюшмаси бош ҳоимиси—«КАЗИ»К фирмаси (раҳбарлари Эркин Қодиров ва Риксатилла Холметов), шунингдек «Фермед» фирмаси (бош директори Дилором Тошмухамедова) катта мадад кўрсатишти.

Таэквандочиларимизнинг Чехия пойтахтида ўтказилган мусобақаларда эришган муваффақияти шундан далолат берадики, Ўзбекистон спортчилари бошқа соҳаларда бўлганидек жаҳонни таномонча ва жаҳонға юртимизни танитмоқда. Бундан фахр-ифтихорға тўласан, киши!

Ш. АЛЛАМОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири, А. ЧЕГРИНЦЕВ, «Спорт» газетаси махсус мухбири.

БОКСЧИЛАРИМИЗ КУЧЛИ САККИЗЛИКДА

Атлантада ўтаётган олимпия ўйинлари аини қизган паллага кирган бўлса-да, ҳозирроқ муайян хулосалар чиқариш мумкин. Ари жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрмасдан туриб бундай нуфузли мусобақаларда муваффақиятга эришишнинг имкони йўқ. Айниқса, азалдан спорт тараққий этган АКШ, Германия, Швеция, Франция, Италия каби мамлакатларнинг, шунингдек Хитой, Куба, Жанубий Корея, Япония каби спорт оламиде етакчилик мавқеига интилаётган қўлбал давлатлар вакиллари билан баҳсға киришишнинг ўзи бўлмади. Умуман, шунчаки омад ёрдамида жўғина бир натижаға эришиш ниҳоятда қийин эканлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Шу боис 197 мамлакатдан келган ўн мингдан ошиқ спортчилар ичида йилт эди кўзға ташланишининг ўзи катта гап. Ҳамюртларимизнинг Атлантадаги қатнашувларига айнаш шу нуқтаға назардан баҳо бермоқ жоиз. Ҳатто дастлабки учрашувлардаёқ имкониятни бой бериб қўйган М. Абдуллаев, Р. Чагаев, Д. Томашевич каби вакилларимизға ҳам таъна қилишға кишининг тили бормади. Зеро, гоҳида ортиқча ҳаяжон панд бериб қўйса, гоҳида кучли рақиб тоғдек ғов бўлади.

Тайёргарлик жараёни мана шу ва бошқа илғаш қийин қўлбал жиҳатлар ҳисобға олинасизми, мудаоға етишда алашшмайди. Боксчиларимиз жамоаси бу борада ишончли йўлни

танлагани натижалардан яққол кўзға ташланади. Уч чарм қўлқоп усталари — Наримон Отаев, Карим Тулаганов, Дилшод Ёрбеков чорак финалға чиқишти, яъни кучли саккизликдан жой олишти. Агар улар навбатдаги учрашувларда ҳам галаба қозонишса, камида бронза медалини нақд қилиб қўйишади. Шунга мувофиқ бош мураббий Владимир Шин раҳбарлигида мусобақаларға ҳозирлик кўрган боксчиларимиз жамоаси қатнашувини муваффақиятли дейишға барча асослар мавжуд. Атлантаға жўнаб кеттиш олдидан Шин: «Шоғирларимиз маҳорат бобида ҳеч бир рақибдан кам эмас» деганида тамоман ҳақли эканлиги қўрибди. Агар бошқа спорт турларида ҳам вакилларимиз мана шундай пухта ишонч билан баҳсларға киришганларида, шубҳасиз, Армен Багдасаровдан келтириш мумкин. Бу ақуланинг жигари баъзан бир тоннадан ошиб кетади. Китисмон ақула йиртқи эмас, беозор жонивор бўлиб асосан сув утлари билан озиқланади. Бу ақула асосан Атлантика ва Тинч океани илиқ сувларида айнайди. Баҳайбат ақуланинг бўйи ҳам 15 метрга, вази 20 тоннаға боради. У ҳам беозор, сув утлари, моллюскалар, гоҳидагина кичик балиқчалар билан овқатланади. Яшаш жойи — Атлантика океани шимоллий қисми. Чучуқ сувда яшайдиган балиқчалар ичида энг йиринги

Бу турфа дуне

ОЛДИНГА ВА ОРТГА СУЗАДИ

Илгари балиқлар сувда асосан сузғичлари ёрдамида ҳаракатланади, деб ҳисобланарди. Кейинги кузатишлар кўрсатдики, аксарият балиқлар танасининг тўлқинсимон ҳаракати ҳисобига илгари босаркан. Фақат дум сузғичигина бунда маълум даражада ёрдам кўрсатади, қолган сузғичлар бурилиш, ҳаракатни тартибга солишға ёрдам бераркан. Балиқлар тез ҳаракатланганда сузғичларини буткул танаға қапиштириб олиши бежиз эмас. Пеламид деб номланувчи балиқ

Балиқлар ичида энг баҳайбати китисмон ақуладир. Унинг бўйи 20 метрга қалар бориб, вази 30 тонна тош босиши мумкин. Бу ақуланинг жигари баъзан бир тоннадан ошиб кетади. Китисмон ақула йиртқи эмас, беозор жонивор бўлиб асосан сув утлари билан озиқланади. Бу ақула асосан Атлантика ва Тинч океани илиқ сувларида айнайди. Баҳайбат ақуланинг бўйи ҳам 15 метрга, вази 20 тоннаға боради. У ҳам беозор, сув утлари, моллюскалар, гоҳидагина кичик балиқчалар билан овқатланади. Яшаш жойи — Атлантика океани шимоллий қисми. Чучуқ сувда яшайдиган балиқчалар ичида энг йиринги

БАҲАЙБАТИДАН ТОРТИБ МИТТИСИГАЧА

лаққадир. Унинг вази 300-400 килограммгача бориши мумкин. Энг митти балиқчалар Филиппин ороллари яқинида яшайди. Паллака пигмей деб ном олган бу балиқларнинг бўйи 8-9 миллиметрдан ошмайди. Агар тарозининг бир палласига 20 тонналик ақула қўйилса, мувозанатни тиклаш учун иккинчи томонига 10 миллион паллака, пигмейни ортинга тўғри келган бўларди...

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан Баҳром Имомов номига берилган № 049416 рақамли йўқолган қайд гувоҳномаси бекор қилинади.

Пахтачилик учун машиналар ишлаб чиқаришга ихтисослашган махсус бош конструкторлик бюросида қишлоқ ҳўжалик экинларини касалликлар ва зараркуналлардан муҳофаза қилган ҳолда ўстиришнинг самарали ҳамда экологик жиҳатдан тоза технологияси ишлаб чиқилди. У дехқончиликда экинлар учун ёмон оқибат келтирадиган захарли моддаларни ишлабмаслик, тўпроқ ҳамда ундаги фойдали микрожисмларни номақбул ташқи таъбирдан муҳофаза

ЭЛЕКТР ҚАЛҚОНИ

қилиш имкони беради. Янги технология электр қувватидан фойдаланишға асосланган. Унинг манбаи тракторға ўрнатилади. Мисол учун, олдий пахта экидан селяға ёрдамида уруғлик экишдан олдин электр қуввати орқали зараркуналларға, қарши муҳофазаланади. Айна пайтада электр қуввати билан «озиқланган» сув билан электркимёвий жиҳатдан «рағбатлантирилади». Бу —

лаб чиқариш синови янги технологиянинг истиқболи порлоқ эканидан далолат беради. Конструкторлик бюроси мутахассисларининг бу иш ўзбекистон фан ва техника давлат қўмитасининг дастури доирасида амалга оширилди. Ҳозир бу технологиядан полиз экинлари, галла, мевали дарахлар ҳамда узум тоқларини ўстиришда ҳам фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилмоқда.



Бўстонлик... Сервиқор тоқлар арчазорлар билан қопланган бу маскан сўлимлиги билан ажралиб туради. Бу атрафнинг мусаффо об-ҳавоси, табиий муҳитининг мўтадиллиги кишини мағфун этади. Шу туфайли Бўстонликда қўлаб санаторийлар, дам олиш масканлари, болалар оромгоҳлари жойлашган. «Шодлик» оромгоҳида 100 дан ортиқ ўил-қизлар ёғи дам олиш таътилини сўз ўтказишмоқда.

СУРАТДА: «Шодлик» оромгоҳида эрталабки бадалтарбия пайти. Н. МУХАММАДЖОНОВ олган сурат.

Бош муҳаррир НЕМАТ ЁҚУБОВ
Рузнома таҳрир хайъати: Расулмат ХУСАНОВ, Мирзажон ИСЛОМОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЕВ, Сиддиқжон МУХАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс КАЮМОВ (бош муҳаррир уринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУХАМЕДОВ.

ҲОМИИ:
«Узқишлоққўжалиқтаъминоттўзатиш» давлат-ширкат қўмитаси
«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32
ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир уринбосарлик — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93.
Дехқончилик бўлими — 36-56-35, 36-54-51. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 36-56-34. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 36-54-52.